

## № Л-2022/14

Лойиха олди ва лойиха-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертизаси” ДУК хulosасини олиш ишларини тайёрлаш ҳақида пудрат  
**ШАРТНОМАСИ**

Андижон шаҳри

2022 йил «2» декабр

Келгуси ўринларда «Буюртмачи» деб юритиладиган ва “Сув таъминоти ва оқава сув объектлари қурилиши бўйича инжинииринг компанияси” УК Андижон вилояти худудий бошқармаси номидан Низом асосида иш кўрувчи раҳбари Сатимбоев Б. бир томондан, кейинги ўринларда «Пудратчи» деб юритиладиган «Sardor Qurilish Maks» МЧЖ номидан Низом асосида иш кўрувчи директори Тилаволдиев Т. иккинчи томондан мазкур шартномани куйидагилар тўғрисида туздилар.

### **1. Шартноманинг мазмуни**

1.1. “Пудратчи” “Избоскан тумани Ровот МФЙ худудида 10 км ичимлик сув тармоғи қуриш” обьекти учун лойиха олди ва лойиха смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда “Шахарсозлик ҳужжатлари экспертиза” ДУК хulosасини олиш ишларини тайёрлаш ва обьект бўйича муаллифлик назоратини ушбу иншоот тўлиқ фойдаланишга топширилгунга қадар олиб бориш мажбуриятини, “Буюртмачи” эса ўз вақтида ишларни қабул қилиб олиб, ишлар хақини тўлаб бериш мажбуриятини олади.

1.2. “Пудратчи”, “Буюртмачи” томонидан тақдим этилган меъморий режалаштириш (АРТ), лойиҳалаш топширикларида кўрсатиб ўтилган ишларни ШНК 1.02.09-15 коида ва қўлланмалари ва мазкур шартноманинг ҳужжатларига асосланиб бажаради ва тугаллайди.

1.3. Бажариладиган ишларга илмий, техник, иктисодий ва бошка талаблар ишларини бажариш учун техник топширикларда назарда тутилади.

1.4. “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишларнинг муддати лойиха ишларига ўтказилган танлов ҳайъатининг 2022-йил 28-ноябрьдаги 192663-сонли баённномаси билан **20 кун** белгиланган.

1.5. “Пудратчи” “Буюртмачи”нинг рухсатини кутмасдан, қўшимча ички хўжалик шартномасини (шартномада белгиланмаган, лекин мазкур шартномани бажаришда амалга оширилиши лозим бўлган маҳсус тадқиқот ишларига) тузишга ҳақлидир. Қўшимча ички хўжалик шартномаларини тузиш “Пудратчи” зиммасига юклатилади.

1.6. Хўжалик шартномасининг бажаришдан бош тортиш ва шартларини бир томонлама ўзгартиришга рухсат этилмайди.

1.7. Ишларни молиялаштириш хисобот йили учун белгиланган тартибда тасдиқланган манзилий дастурда белгиланган лимит маблағлари доирасида ва кўрсатилган молиялаштириш манбаи ҳисобидан амалга оширилади.

### **2. Томонларнинг мажбуриятлари**

#### **2.1. “Пудратчи”нинг мажбуриятлари:**

- “Пудратчи” “Буюртмачи” томонидан берилган техник топшириқ ва бошқа бошланғич ҳужжатлар асосида ишларни бажариш;

- “Буюртмачи” билан бажариладиган ишларни (босқичлари)нинг натижаларини келишиш;

- Мазкур шартнома бўйича бажариладиган ишларнинг бориши ҳақида, талаб қилинган холларда “Буюртмачи”га ахборот жўнатиш.

2.2. “Пудратчи” мазкур шартнома асосида бажарилган ишларни буюртмачининг рухсатисиз учунчи шахсга беришга хақли эмас.

#### **2.3. “Буюртмачи”нинг мажбурияти:**

- Мазкур шартномада кўзда тутилган микдорда ва шартларда белгиланган нархни тўлаш;

- “Пудратчи” томонидан бажарилиши лозим бўлган ишларни, мазкур шартномада назарда тутилган шартларда бажарилишини назорат қилиш;

- “Пудратчи” билан бажарилган ишлар (босқичлар)нинг натижаларини келишиш;

- Шартнома бўйича бажарилган ишларни, уларнинг мазмунини “Пудратчи”нинг розилигисиз учинчи шахсга бермаслик;

### **3. Шартнома бўйича ишларнинг нархи**

3.1. Бажариладиган ишларнинг умумий қиймати танлов ҳайъатининг 2022-йил 28-ноябрьдаги 192663-сонли баённомаси билан **34 300 000 (Ўттиз тўрт миллион уч юз минг)** сўм ҚҚС билан бўлиб, бундан “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га ЛСХ ҳаражати қийматининг **30 фоизлик** миқдорида бўнак (аванс) тўлови амалга оширилади, бу **10 290 000 (Ўн миллион икки юз тўксон минг)** сўмни ташкил қиласди.

3.2. Қолган **24 010 000 (Йигирма тўрт миллион ўн минг сўм)** сўм тўлов ҳисоб-фактура топшириб, ишларни якунлагандан сўнг тўлаб берилади.

3.3. “Буюртмачи” “Пудратчи”дан бажарилган ишлар ҳакидаги далолатномаларни қабул килиб, томонлар имзо чекканларидан кейин жорий молиялаштириш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

3.4. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан амалга ошириладиган лойиха ишлари нархи ва муддати узил – кесил ҳисобланади ва қайта кўриб чиқилмайди.

### **4. Ишларни топшириш ва қабул қилиш тартиби**

4.1. Бажарилган ишларни баҳолаш ва қабул қилиб олиш техник топшириқ талаблари асосида баҳоланади.

4.2. “Пудратчи” томонидан топширилиши ва расмийлаштирилиши лозим бўлган хужжатлар рўйхати техник топшириқда аникланади.

4.3. “Пудратчи” ишларни бажариб бўлгач, “Буюртмачи”га топшириш–қабул қилиш далолатномаси билан биргаликда илова килиб 3 та нусхада хужжатлар тўпламини тақдим этади.

4.4. “Буюртмачи” мазкур шартноманинг 4.2 бандида кўрсатилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини ва ҳисбот хужжатларини 30 кун муддатда қабул қилиш мажбуриятини олади ва пудратчига имзоланган, ёки асосли эътиroz билдирилган топшириш–қабул қилиш далолатномасини жўнатади.

4.5. Бажарилган ишларни топшириш–қабул қилиш давомида “Буюртмачи”нинг асосли эътиrozи бўлса, камчиликларнинг рўйхати ва уларни бартараф этишининг аниқ муддатини белгиловчи икки томонлама далолатнома тузилади.

4.6. Агар ишларни бажариш жараёнида кейинчалик уни давом эттириш мақсадга мувофиқ эмаслиги маълум бўлса, томонлар 5 иш кун мобайнини бир–бирларини ишлар тўхтатилганлиги ҳакида ҳабардор қилишлари шарт ва 10 иш кун мобайнини ишларни давом эттириш учун мақсадга мувофиқ бўлган йўналишларини ойдинлаштирувчи масалаларни кўриб чиқишлари керак. Ишлар тўхтатилган холларда томонлар учун Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган мажбуриятлар юкланди.

4.7. Ўзаро ҳисоб–китоблар қилишнинг муддати келганлиги томонларнинг бири мазкур шартномадаги ишларни тўхтатиш ҳакидаги ёзма хабарнома берган санадан ҳисобланади.

### **5 . Томонларнинг жавобгарлиги**

5.1.“Буюртмачи” ўз вақтида олдиндан тўланиши лозим бўлган тўловларни тўламаган ҳолларда, ишларни якунлаш муддати тўлов кечикирилган муддатга узайтирилади.

5.2.“Буюртмачи” тўлов талабномаси акцепти (қабул қилиш)ни асоссиз равишда тўла ёки қисман рад этганлиги, шунингдек ҳисоб-китобларнинг бошқа шакллардаги ишларга ҳак тўлашдан бош тортганлиги (банк муасасасига тўлов топширикномасини тақдим этмаслик, чек бермаслик, аккредитив бермаслик ва ҳакозо) учун “Буюртмачи” тўловдан бош тортган ёки рад этган сумманинг 0,5% ҳажмида пеня тулади.

5.3 “Буюртмачи” олган мажбуриятини бажармаган тақдирда “Пудратчи” ўтказиб юборилган хар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,4 % ҳажмида пеня тўлади. Аммо бунда пеняning умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 фоизидан ортиб кетмаслиги керак.

5.4. “Пудратчи” шартномада курсатилган мажбуриятини бажаришда, хизмат кўрсатишида олган мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га ўтказиб юборилган хар бир кун учун

мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 % хажмида пеня тўлайди. Аммо бунда пеняниңг умумий миқдори бажарилмаган иш ёки кўрсатилмаган хизматнинг 50 %дан ортиб кетмаслиги керак.

Бажарилган ишлар(босқичлар)да камчилик ва нуксонлар пайдо бўлганда “Пудратчи” уларни беғараз бартараф этиш мажбуриятини олади.

5.5. Агар “Пудратчи” ўтган босқич учун хисоб бермаса, кейинги босқич учун молиялаштириш ишлари бажарилмайди.

5.6. Агар шартнома шартларининг бузилиши енгиб бўлмайдиган холатлар (форс–мажор) натижасида юзага келса томонлар ўз харакатларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилик меъёрлари асосида иш кўради.

5.7. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар керакли сифатга, техник шартларга ва мажбурият шартларига мос келмаса, Пудратчи Буюртмачига етказилган зарарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.8. Шартномани ижро этмаганлиги ёки етарли даражада бажармаганлиги учун, жавобгарлик агар шартномада ўзгача ҳолат кўзда тутилмаган бўлса Ўзбекистон Республикаси «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий–хуқуқий базаси тўғрисида»ги қонуннинг 25 – 32 – моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўлланилади.

5.9. Агар бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар шартнома шартларига мос келмаслиги, “Буюртмачи” бажарилган ишлардан бош тортишга хақли, “Пудратчи”дан шартнома шартларига мос келмайдиган иш қийматининг 5% миқдорида жарима ундиришга, агар бажарилган ишларга, кўрсатилган хизматларга хақ тўлаб қўйилган бўлса, белгиланган тартибда тўланган суммани қайташибни талаб қилишга хақли. Жарима тўлов талабномаси имолиялаштириш муассасасига сифати лозим даражада бўлмаган ишлар хақидаги далолатнома тузилган вактдан бошлаб бир ой мобайнида тақдим қилиниши лозим. Жарима жадвалининг тўлов талабномаси белгиланган бир ойлик муддатдан кейин тақдим этилса, жаримани ундириш белгиланган тартибда амалга оширилади.

5.10. Агар пудратчи лойиха-смета хужжатларини белгиланган талаб доирасида бажармаса, лойиха-смета хужжатларида камчилик ва нуксонлар аниқланган тақдирда “Пудратчи” “Буюртмачи”га етказилган зарарни тўлайди. “Пудратчи” ишлар сифатли, шартнома шартларига мос келишига жавоб беради.

5.11. Шартнома шартларини ижро этмаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун жавобгарлик, агар шартномада кўзда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий–хуқуқий базаси тўғрисида”ги қонуннинг тегишли моддаларига асосан жавобгарлик чоралари кўрилади.

## 6. Бартараф этилиб бўлмайдиган куч холати (форс-мажор)

6.1. Агар томонлар мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолиши табиий ҳодисалар, харбий харакатлар ва бошка бартараф этиб бўлмайдиган кучлар сабабли содир бўлган бўлса, хамда бу ҳолат мазкур шартнома ижросига бевосита таъсир кўрсатган бўлса, томонлар мазкур шартнома бўйича мажбуриятларининг қисман ёки тўла ижро этилмай қолгани учун жавобгарликдан озод бўладилар. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларнинг ижро муддати бартараф этиб бўлмайдиган вазият, шунингдек шу вазият келтириб чикарган оқибат хукм сурган вактга мос равишда оркага сурилади.

6.2. Агар бартараф этиб бўлмайдиган куч вазияти ёки унинг оқибатлари 3 ойдан ортик вактга чўзиладиган бўлса, “Пудратчи” ва “Буюртмачи” қурилишни давом эттириш ёки номаълум вактга тўхтатиш учун чора-тадбирлар кўришни мухокама қиласидар.

Агар томонлар 1 ой мобайнида бир тўхтамга кела олмасалар, томонларнинг хар қайсиси шартномани бекор қилинишини талаб килишга хаклидир.

6.3. “Буюртмачи” тўлов шартларини ўз вактида бажармаслиги “Пудратчи” учун «форс–мажор» ҳолатига тенг ҳисобланади.

## 7. Кўшимча шартлар

7.1. “Буортмачи” 1.1.-бандда кўрсатилган обьектдан ташқари, “Пудратчи” томонидан тақдим этилган бажарилган иш натижаларидан фойдаланишга ҳақли эмас, “Пудратчи” эса олинган иш натижаларидан ўзининг манфаатлари учун фойдаланиши тақиқланади.

7.2. Мазкур шартномада кўзда тутилмаган томонларнинг ўзъаро муносабатлари Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий ҳуқукий базаси тўғрисида»ги қонунига, хамда Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига асосан белгиланади.

7.3. Томонлар ўзларининг юридик ва банк реквизитлари ўзгарган тақдирда, бир-бирларини З банк куни ичida хабардор килишлари шарт.

## 8. Шартноманинг амал қилиш муддати ва шартлари

8.1. Мазкур шартнома томонлар имзо чекиб, газначилик бошкармасидан руйхатдан утганидан кейин қучга киради ва унинг шартлари тўлик бажарib бўлгунча ҳақиқий хисобланади.

8.2. Мазкур шартнома 2 нусхада тайёрланади ва бир нусхадан буортмачига, пудратчига берилади.

8.3. Шартнома 2022-йил 31-декабрга қадар ўз кучида бўлади.

## 9. Низоларни хал этиш тартиби

9.1. Шартномани тузиш, ижро этиш, ўзгартириш ва бекор килиш, шунингдек келтирилган зарарни қоплаш чоғида томонлар ўртасида вужудга келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда Жавобгар жойлашган ҳудудидаги туманлараро иқтисод суди томонидан кўриб чиқилади.

## 10. Томонларнинг реквизитлари

### БУОРТМАЧИ

“Сув таъминоти ва оқава сув обьектлари  
қурилиши бўйича инжиниринг компанияси”  
УК Андижон вилояти худудий бошқармаси

Манзил: Андижон ш. Чинобод кўчаси, 59-й  
Тел.: 74-226-64-56  
ШХР: 301821860034014063201110259  
СТИР: 305980724, ОКЭД: 42210  
Банк номи: Марказий банк Тошкент шаҳар  
Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази  
(ҲККМ)  
ЯФХ: 23 402 000 300 100 001 010  
МФО: 00014 СТИР: 201 122 919

  
Сатимбоев Б.  
Атаханов Ф.

### ПУДРАТЧИ

«Sardor Qurilish Maks» МЧЖ

Манзил: Андижон шахар А.Фитрат 214-й  
Тел: 90 767-29-94  
Х/Р: 2020 8000 9002 1619 1001  
Банк номи: АИТБ “Ипак йўли”  
Андижон вил.филиали  
СТИР: 302 593 947  
МФО: 01120  
ОКЭД: 41202  
  
Директор \_\_\_\_\_  
М.У. \_\_\_\_\_  
(имзо) Тилаволдиев Т.